
Бош Қомусимиз қабул қилинганигининг 31 йиллиги байрам тантаналари ўтказилиши муносабати билан Ўзбекистон тумани “Шакаробод” маҳалласидаги айрим кўчаларда транспорт воситалари ҳаракати вақтинча чекланади
Қадрли тумандошлар ва туманимиз меҳмонлари!

Эртага, **7 декабр куни** Ўзбекистон тумани “Шакаробод” маҳалла фуқаролар ииғинида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганигининг 31 йиллигига бағишланган байрам тантаналари бўлиб ўтиши белгиланган.

Байрам тадбирлари “Обод хонадон-обод кўча-обод маҳалла” мезонлари асосида бунёдкорлик тадбирлари олиб борилган айни маҳалла ва ундаги қатор обьектларда ташкилланади.

Шу муносабат билан **эртага, соат 08:00 дан 14:00 га қадар** “Шакаробод” маҳалласидаги марказий кўчалар, хусусан Обод, Мустақиллик ва Гулзор кўчаларининг маълум қисми (маҳалла марказидаги чорраҳа ҳамда унга туташ кўчалар)да транспорт воситалари ҳаракати вақтинча чекланади.

Ҳайдовчилардан айланма йўллардан фойдаланишларини сўраб қоламиз ва ноқулайликлар учун узр сўраймиз.

2023-12-06 14:01:19